O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 29 IYUN
SHANBA
№ 81 (26.940)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА — БОШ ЙЎНАЛИШ

«Ижтимоий масалаларга устувор аҳамият бериш... бутун сиёсатимизнинг, ўтказилаётган ислоҳотларнинг барча босқичларида доимий ва изчил амалга оширилиши лозим бўлган асосий йўналиш бўлиб қолиши керак...»

Президентимиз Ислом Каримовнинг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида айтган бу сўзлари «КашТЕКС» очиқ ҳиссадорлик жамияти фаолиятида ўз ижросини изчил топмоқда.

— Ўтган йили ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичлари бўйича юқори натижаларга эришиб, йилни 25 миллион сўмлик соф фойда билан якунлагандик, — дейди жамоат бошқаруви раиси Усмон Шарипов. — Бунинг 20 миллион сўмини ишчи-хизматчиларга дивиденд қилиб тарқатдик...

Тасаввур қилинг... Ўртача бир жамоа учун 20 миллион сўм дивиденд! Ҳамма корхонанинг ҳам қўлидан келавермайди бу кўрсаткич.

Фойданинг қолган қисми ҳам корхона жамоасининг асосан ижтимоий муҳофазасига — меҳнат шароитини яхшилаш, ишлаб чиқаришни такомиллиштириш ва ободончилик юмушларига сарфланди. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, жамоада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг ошишига хизмат қилмоқда.

✧✧✧

Суратларда: (чапдан) корхонанинг илғор ишчилари — Зилола Ҳамроева, Мақсуда Норова ва (пастда) Дилафруз Ўринова билан Нилуфар Ҳакимова ўз иш участкаларида.

■ **Абдурасул ПАРДА олган суратлар.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

С.Б.РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Саидаҳмад Бориевич Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил, 28 июнь

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ҲАРБИЙ ҚЎШИНЛАР ҲОЗИРЧА ЧЕГАРАДА САҚЛАНАДИ

Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандес Ҳиндистоннинг Покистон билан чегарадош ҳудудларга жойлаштирилган барча ҳарбий қўшинлари шу йил октябрь ойигача ўз жойларида сақлаб турилишини маълум қилди. Негаки, Покистондан экстремистлар гуруҳининг мамлакат чегараларига кириб келиш хавфи ҳали батамом бартараф этилганича йўқ, демоқда Ҳиндистон раҳбарияти.

ТАКЛИФ РАД ЭТИЛДИ

Россия ва Хитойнинг фазони қуроллантиришга қарши таклифини АҚШ маъмурияти рад этди, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги. «Негаки, фазода қуролланишни назорат қилиш ҳақидаги янги битим тузишга ҳозирча эҳтиёж ва зарурат борлиги сезилмаяпти. Шунинг учун ҳам АҚШ бу борада янги музокаралар бошлаш ғоясига қаршидир» деди АҚШ элчиси Эрик Явитс қуролсизланиш бўйича Женевада ўтган конференцияда.

Маълумки, ядро қуролини фазода жойлаштириш ва бошқа барча турдаги қуролларни коинотда йўқ қилиш 1967 йилги халқаро шартномада тақиқланган.

ВАЗИРЛАР ТАРКИБИДА ИККИНЧИ АЁЛ

Афғонистоннинг янги тайинланган вазирлари таркибида иккинчи аёл ҳам пайдо бўлди. Куни кеча Ҳамид Карзай Хабиба Сорабини аёллар ишлари бўйича вазир лавозимига тайинлади. Аввал бу лавозимда таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси Сима Самар фаолият кўрсатарди.

Вазирлар таркибидаги яна бир аёл Сухайла Сиддиқий бўлиб, у соғлиқни сақлаш масалалари бўйича иш олиб боради.

ТАҚИҚЛОВ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Маълумки, АҚШнинг барча мактабларида дарс АҚШ давлат байроғига содиқлик қасамёдини қуйлаш билан бошланарди. Бироқ бу қасамёдда Худо сўзининг эсга олиниши АҚШ конституциясига тўғри келмайди, дея федерал апелляция суди яқинда АҚШнинг тўққизта штатидаги мактабларда мазкур қасамёд қуйланишини тақиқлаб қўйган эди.

Куни кеча АҚШ Конгресси сенати ушбу масалани тезкорлик билан кўриб чиқди. Ва бир овоздан қасамёд қайта жорий этилишини маъқуллашди. Шундай қилиб мактабларда дарслар яна қасамёдни қуйлаш билан бошланадиган бўлди.

ҚАРОР ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТДИ

Ҳиндистон — Покистон можаролари кескинлашуви муносабати билан чиқарилган Америка фуқароларининг Ҳиндистонни тарк этиш борасидаги қарори АҚШ давлат департаменти томонидан бекор қилинди. Давлат департаменти вакилларининг айтишича, Ҳиндистон — Покистон чегараларидаги кескинлик майнинг охири ва июннинг бошларидагига қараганда ҳозир бироз юмшаган. Бироқ юқоридаги қарорни бекор қилиш Покистонга тааллуқли эмас. Негаки, бу ерда хавф пасайгани йўқ, дейилади Reuters хабарида.

Худди шунингдек, Буюк Британия ҳукумати ҳам ўз фуқароларининг Ҳиндистондан чиқиб кетиши лозимлиги ҳақидаги 5 июнь кунги қарорини бекор қилди. Бироқ Покистонга нисбатан бу қарор ўзгаришсиз қолдирилди.

КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛДИ

Покистон ҳукумати мамлакат конституциясига айрим ўзгартиришлар киритди. Унга кўра эндиликда мамлакат президенти бош вазирни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиши, Миллий ассамблеяни тарқатиб юбориши мумкин. Чунки президент ваколатлари янада кучайтирилди.

МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда «Марказий Осиёда гиёҳвандлик муаммолари: вазиятни баҳолаш ва тегишли чора-тадбирлар» мавзуидаги уч кунлик минтақавий анжуман ўз ишини якунлади. Анжуман Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Наркотикларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси томонидан Австрия ҳукумати, ЮСАИД, ЕХҲТ ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа бюроси ҳамкорлигида ўтказилди.

Анжуман давомида минтақа мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг гиёҳвандлик моддаларига бўлган талабни камайтириш, уларнинг Марказий Осиё давлатлари бўйлаб тарқалиши ва транзитига қарши курашиш борасидаги хатти-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш имкониятлари муҳокама қилинди. Марказий Осиё республикалари вакиллари анжуман иштирокчиларини гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ва тарқатишга доир вазият ва ҳукуматларнинг бу борадаги фаолияти билан таништирди. Ана шу муаммога йўналтирилган халқаро лойиҳалар ва дастурлар тақдимоти бўлиб ўтди. Қайд этилдики, гиёҳвандлик моддаларига бўлган талабни камайтириш бугунги кунда минтақа мамлакатлари учунгина эмас, балки бутун дунё ҳамжамияти учун ҳам устувор вазифа ҳисобланади. Анжуман доирасида бўлиб ўтган давра суҳбатларида ва ишчи гуруҳлари йиғилишларида шу хусусда сўз борди.

Муҳокама натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар қуйидаги бешта йўналишга жамланган — сиёсат ва тарғибот, профилактика, даволаш ва реабилитация, ОИТС/ОИВ нинг олдини олиш, ахборот тўплаш ва вазият мониторинги. Хусусан, миллий қонунчиликларнинг бу соҳадаги фаолиятни тартибга солувчи халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлар билан янада уйғунлаштирилиши лозимлиги таъкидланди. Гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашга доир халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш зарур. Бу ишда минтақа мамлакатларининг жамоатчилик ташкилотлари янада фаол иштирок этиши керак. Шу йўналишда ташкил этилган миллий ва минтақавий тизимлар фаолиятини такомиллаштириш кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигига йўналтирилиши лозим.

Анжуман тавсиялари Гиёҳвандликка қарши минтақавий дастурни ишлаб чиқиш пайтида эътиборга олинади. Ушбу дастурни амалга оширишда БМТнинг ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тегишли тузилмалари ёрдам кўрсатади.

■ **А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири**

МАТБУОТ ВА ҲАЁТ

ДИЛ ҚУЛФИМИЗ ОЧИЛДИ

ЮРТБОШИМИЗ ТАБРИГИНИ ЎҚИБ ХАЁЛГА КЕЛГАН МУЛОҲАЗАЛАР

Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига Табригидаги рўй-рост гаплар, тўғриси, биз журналистларнинг дил қулфини очиб юборди. Табрикда ҳамма нарса ўз номи билан аталган. Ҳеч иккиланмай оқни-оқ, қоранини-қора дейдиган пайт келди. Биз энди кимлигимизни, тўртинчи ҳокимият сифатида нимага қодирлигимизни амалда кўрсатишимиз керак.

Назаримда, ҳозир оммавий ахборот воситалари бир маромда фаолият кўрсатишяпти. Телеканаллар ва радиоканаллар ўз йўналишлари бўйича изга тушиб олишган, газеталар ўз моддий ва ижодий имкониятларидан келиб чиқиб босилиб турибди. Лекин бундай ҳолат ҳеч кимни қониқтирмайди, албатта. Биз асосан ютуқларни мадҳ этиш билан овора бўлиб қоляпмиз, ишимизда ҳозиржавоблик ва таъсирчанлик етишмаяпти. Баъзан журъатсизлик қиламиз. Тўғрисини айтсам, газеталарда яхши мақолалар кам кўринса-да, яхши журналистлар оз эмас.

Хўш, нега газеталаримизда қўлдан-қўлга ўтиб ўқиладиган мақолалар кам кўринади?! Эҳтимол бунинг сабаблари кўпдир. Лекин мен биттасини айтиб ўтмоқчиман. Газеталаримизда жанр қашшоқлиги авж олиб кетяпти. Репортаж, фоторепортаж, очерк, фельетон, луқма сингари жанрлар камдан-кам ҳоллардагина кўзга ташланади. Бирорта идора томонидан тайёрланган маълумотномадан олиниб ҳисобот тарзида ёзилган мақолалар айрим газеталарда анъана тусини олди. Шундай газеталар ҳам борки, хабар, мақола ва корреспонденциядан бошқа жанрларни тан олишмайди.

Имкониятдан фойдаланиб, ҳамкасбларимнинг эътиборини яна бир нарсага қаратмоқчиман. Бу — мавзу танлашдаги бирёқламалик. Биз-нинг оммавий ахборот воситаларимизда ишлаб чиқариш мавзуси устувор ҳисобланади. Журналистлар асосан ўзларини шу мавзуга уришади. Сабаби маълум, бу аввало, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини кенгроқ ёритиш масъулияти, қолаверса, моддий манфаатдорлик, яъни тижорат билан боғлиқ. Шу нарса ҳеч кимга сир эмаски, ҳозир тижорат йўли билан ўзларини матбуотда кенг тарғиб қилаётган турли ташкилотлар, хусусий фирмалар, корхоналар, тадбиркорлар, раҳбар ходимлар, шуҳратга мойил одамлар оз эмас. Бунинг устига реклама ва эълонлар ҳам асосан шу йўналишда. Бу оддий газетхонни ёки телетомошабинни жуда-жуда зериктириб қўяди. Оқибатда бу мухлисларни йўқотишга олиб келади.

Ҳар бир оммавий ахборот воситасида, айниқса, ҳар бир газетада фақат ўзигагина боғлиқ муаммо ҳам бор. Уни қандай ҳал қилишни ўзи билади. Бироқ жами оммавий ахборот воситалари учун умумий бўлган жиддий муаммо йўқ, деб ҳисоблайман. Биламан, баъзилар бунга эътироз билдиришлари мумкин. Фақат эътироз билдирмоқчи бўлган ҳамкасбим ўзини қийнаётган масалани мамлакат миқёсидаги муаммо қилиб кўрсатмаслиги керак. Энг муҳими, ҳақ-ҳуқуқларимиз қонун билан кафолатланган. Матбуот эркинлиги ва сўз эркинлиги таъминланмоқда. Ёзадиган замон келди, ёзганимизни чиқаролмай асабларимиз бузилган давр ўтиб кетди. Буёғи ўзимизга илҳом, бош муҳаррирларимизга эса журъат тилаймиз. Президентимиз байрам табригида таъкидлаб ўтганларидек, сиёсат ҳақида гапирганда — сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида файласуф бўлиб баҳса киришишни — ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Бунга эришиш учун эса журналист ихтисослашуви йўлга қўйилиши керак. Ҳар соҳадан бир чимдим билиш билан баҳсга киришиб бўлмайди, муҳим мавзуларни кўтаришга кучимиз ҳам етмайди.

■ **Иброҳим НОРМАТОВ, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари.**

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДА

АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст ва республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Марат Хожибеков Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти қошидаги силга қарши миллий референс-лабораториясига 60 та бинокуляр микроскоп тақдим этди.

Микроскоплар АҚШ Конгресси томонидан ажратилган қўшимча маблағ ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида келтирилди.

Шундай микроскоплардан яна 40 тасини Америка нодавлат ташкилоти Хоуп лойиҳаси доирасида жорий йилнинг охиригача етказиб беришни мўлжалламоқда.

■ **(ЎзА)**

Эронда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Магамет Гадживалов (76кг.) олтин, Савриддин Наврўзов (58кг.) ва Жаҳонгир Турдиев (76кг.) кумуш, Руслан Утегенов (120кг.) бронза медалини қўлга киритди.

Суратда: полвонларимизнинг пойтахт аэропортида кутиб олиниши.

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ҚАРЗ ВА ДОРЛИК ЁКИ

НЕГА МАҲАЛЛИЙ КОРХОНА МАҲСУЛОТИ ИСТЕЪМОЛГА КИРИТИЛМАЙ, УШБУ МАҲСУЛОТ ЧЕТДАН СОТИБ ОЛИНАЯПТИ?

1980 йиллар бошида илк маҳсулотини берган Навоий «Электрокимё» заводи нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ягонадир. Собиқ иттифоқ даврида «Котаран», «Изофен» сингари химикат турлари ишлаб чиқариш билан машҳур саналган завод бугун пароканда, банкротлик даражасида турибди.

Хўш, бунга сабаб нима? Нега энди саксонинчи йилларда 3-3,5 минг кимёгар кадрларга эга бўлган завод бугун жар ёқасида. Эндиликда ўша даврда фаолият кўрсатган жамоанинг ўндан бири ишлаяпти, холос. Кейинги 5 йилда кадрлар қўнимсизлиги ва малакали мутахассис кадрларга талабнинг сустлиги боис, юзлаб уқувли, уддабурон кимёгарлар заводдан кетиб қолишди.

Шубҳасиз, Президентимизнинг Навоий вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида: **«Ўтган йилнинг ўзида 5 та саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 3 миллиард сўмга камайгани, 2000 йил кўрсаткичлари билан қиёслаганда 25 турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қисқаришига йўл қўйилгани, ҳозирги кунда корхона омборларида миллиард сўмлик маҳсулот сотилмай ётгани ҳам шундан далолат беради. Бунинг натижасида наинки вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам қанчалик зарар етишини тушунтириб ўтириш шарт эмас, деб ўйлайман»,** — дея эътироф этишида бошқа саноат корхоналари каби бу қолоқ корхона ҳам кўзда тутилган эди.

Чиндан ҳам вилоят марказидан 3-4 километр нарида, Маликчўл оралиғидаги бу афсонавий корхона бугун иқтисодий таназзул ботқоғида. Завод маҳсулотига бўлган эҳтиёж эса камайгани йўқ. Чунки, республика қишлоқ хўжалиги, жумладан, ғалла, пахта, мева-сабзавотчилигига ҳашарот тушмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Дала-деҳқончилик, ўсимликчилик бор экан ҳашаротлар, чигирткалар, қурт-қумурсқалар ва турли хил экин зараркунандалари бўлиши табиий. Шундай экан, нега заводга кўмак, мадад қўли чўзилмаяпти?!

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП ҲАЁТИ

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИ ВА ПАРТИЯЛАР МАВҚЕИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар муайян натижалар бермоқда. Фуқароларимиз ижтимоий ҳаётда фаоллашиб, демократия ҳаётимиз мазмунига айланиб бораяпти. Бу ўринда сиёсий партияларнинг мавқеи, жамият ривожланишидаги саъй-ҳаракатлари қандай бўлиши керак? Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг биринчи котибаси Муҳаббатхон АБДУЛЛАЕВА билан суҳбат ана шу мавзуда бўлди.

— Гапни асосий мавзудан бошласак. Бугун икки палатали парламент ҳақида фуқароларимиз етарли маълумотга эга. Энди партиялар ўртасидаги кураш ҳам жиддий бўлади. Демак, шунга яраша ҳозирлик керак, шундай эмасми?

— Аввало, кураш сўзига ойдинлик киритиб олайлик. Бу айримларнинг назаридаги каби бир-бирига тош отиш, бадном қилиш ёки баъзи юртлардагига ўхшаб сессия пайтида ёқа йиртиш эмас. Биз икки палатали парламент шароитида ҳам менталитетимиздан келиб чиқиб, ҳар бир масалани онгли, маданиятли, қонунларга суяниб, одоб доирасида баҳс-мунозара юритиб, ҳал этишга қодирмиз, деб ўйлайман.

Парламентдан муносиб миқдордаги мандатни эгаллашга келсак, бу менимча, ҳар бир сиёсий партиянинг ўзига боғлиқ. Мамлакатимиз парламентини янги мазмунда шакллантириш ҳар биримиздан улкан саъй-ҳаракатни талаб этади.

Умумхалқ референдумида билдирилган ҳамда Президентимиз томонидан таклиф этилаётган энг мақбул механизмни ишга солиш учун партия Марказий Кенгашининг IV ва вилоят партия кенгашининг VI пленумлари қарорларидан келиб чиқиб, уч асосий йўналишда иш олиб боряпмиз.

Биринчи энг муҳим вазифа шуки, демократик тараққиётимизнинг янги босқичи моҳиятини халқимизга кенг кўламда, изчил тушунтиришимиз зарур. Бунинг учун вилоят партия кенгаши шаҳар ва туманларда мавжуд бўлган 30 та тарғибот гуруҳлари кучидан самарали фойдаланади. Уларга бириккан олимлар, ҳуқуқшунослар, ёзувчи ва журналистлар бу ишни самарали ва таъсирчан адо этишларига шубҳа йўқ.

Иккинчи йўналишдаги вазифамиз ҳам жиддийдир. Маълумки, парламент ислоҳоти сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузига ўзига хос баҳо берадиган жараён ҳисобланади. Парламентдаги қуйи палата, асосан, партиялар ўртасидаги сиёсий кураш натижасида шаклланишини ҳисобга олсак, гап партия ташкилотларининг ҳозирдаги мазмунли, таъсирчан, оммабоп фаолияти халқимиз назарига тушишининг жуда муҳимлиги устида боряпти. Вилоят кенгаши бу борада шаҳар, туман кенгашлари ва мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйди.

Учинчи яна бир муҳим жабҳа — бўлажак сайловларда муваффақиятга эришиш чораларини кўришдир. Яъни, партиямиз шаънини давлатимизнинг олий қонун чиқарувчи органида ифода этувчи, халқимиз орасида обрў-эътибори юқори, қонун ижодкорлигига ақли етадиган, депутатликка муносиб номзодларни танлаб бориш.

— Дарҳақиқат, сайлов партиямиз учун катта синов. Умуман, белгиланган режаларни амалга ошириш учун куч ва имкониятлар етарлими?

— Бугунги кунда вилоят партия ташкилотининг 56 минг нафардан ортиқ аъзоси бор. Битта шаҳар, 11 та туман кенгашларига тажрибали партия фаоллари раҳбарлик қилишади. Кўнглимизни тоғдек кўтарадиган яна бир муҳим нарса шуки, ҳар ойда сафларимизга 150-200 нафардан киши келиб қўшилмоқда. Улар, биринчи навбатда эътиқоди мустаҳкам, Ватанимиз саодатли келажаги, халқимизнинг куч ва имкониятлари, ХДП дастурий ғояларининг ҳаётийлигига ишонган кишилардир. Яна бир имконият — бу ўзи партиямиз аъзоси бўлмасада, фаолиятимизни изчил кузатиб турган, минг-минглаб хайрихоҳларимиз бор. Айни вақтда вилоятимизда халқимиз фаровонлиги, ижтимоий ва маданий тараққиёти йўлида бунёд этилаётган кенг кўламдаги қурилиш-ободончилик ишлари юртдошларимиз руҳиятини тоғдек кўтармоқда. Вилоятда фаолият кўрсатаётган 70 дан ортиқ кўшма корхоналар, кундан-кунга ривожланиб, оёққа туриб бораётган ўрта ва кичик бизнес эгалари орасида ҳам кўп маслакдошларимиз борки, улар ўз самарали фаолиятлари билан партиямиз обрўсига обрў қўшмоқдалар ва булар, пировард натижада, олдимизга қўйилган режалар ижросини, албатта, таъминлайди.

■ **«Ўзбекистон овози» мухбири Маҳмуджон ПАРПИЕВ суҳбатлашди.**

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

«WESTERN UNION» — САНОҚЛИ СОНИЯЛАРДА ХИЗМАТ ТУРИ

Бугунги кунда, Ўзбекистонда халқаро иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва ривожлантиришга йўналтирилган молиявий сиёсат тобора тезкор, қулай ва ишончли бўлиб бормоқда. Дарвоқе, дунё миқёсида ишчи кучи миграцияси моҳияти ўзгарди. У жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувига ва одамларнинг турмуш тарзига ижобий ўзгаришлар киритмоқда. Ҳозир минглаб ватандошларимиз, дунёнинг исталган нуқтасига, исталган пайтида эзгу-орзули мақсадлар билан бориб келиш имконига эга: биров хорижга ўқигани ёки ишлагани, биров дам олгани ёки хизмат сафари билан боради. Лекин, уларнинг барчасини битта «муаммо» бирлаштиради: бу — маблағ муаммоси! Дейлик, қисқа вақт ичида сиздан жуда олисда бўлган яқин кишингизга зудлик билан пул керак, сиз уни юборишга шошиласиз...

Ўзбекистон Республикаси **Халқ банки** ушбу ҳолатларни инобатга олиб, юртдошларимизга яна бир қулайлик яратиш йўлида Американинг пул ўтказиш тизими «Western Union» билан ҳамкорликдаги банк хизмати турини таклиф қилмоқда.

«Western Union» (Вестерн Юнион) хизмати 1871 йилда ташкил топган. У замонавий алоқа ва маълумотлар ёрдамида қайта ишлаш воситаларидан фойдаланган ҳолда тезкор (саноқли дақиқалар ичида!) пул ўтказмаларини амалга ошириш билан шуғулланади. Бу хизмат тури пул ўтказмаларининг ўзига хос хусусиятларидан бири — тезкорлик, ишончлилик ва қулайлик! Ҳар бир пул ўтказмаси жаҳон миқёсида кафолатли хавфсизлик тизими билан ҳимояланган. Тизим дунёда 189 мамлакат ва 100 мингдан ортиқ банк шаҳобчаларини қамраб олган.

■ **Замон АЛИ**

ХУСУСИЙ ОИЛАВИЙ ШИФОХОНА

Тойлоқ тумани аҳолиси тажрибали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Умиркул Каримовни яхши билишади. Яқинда бу ерда фойдаланишга топширилган кўп тармоқли «Тошкул бобо» хусусий шифохонаси шахсан унинг шахсий ташаббуси билан ишга тушди.

Шифохонага нафақат тумандан, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва қўшни Тожикистон Республикасидан ҳам беморлар шифо истаб келишади. Бу ерда уларни Умиркул Каримовнинг оила аъзоларидан иборат тиббиёт ходимлари: ўғли Муҳаммад-Мурод, келини Наргиза, қизлари Муҳаббат, Мартаба, Нилуфар ва Назира дори-дармонлар қатори ширин муомалалари билан ҳам даволашга ҳаракат қиладилар.

Бугунги кунда кўп тармоқли хусусий шифо маскани Самарқанд тиббиёт олийгоҳи шифохонаси билан ҳамкорлик қилиб, Қарияларни қадрлаш йилида қарияларни бепул даволашга киришди.

✧✧✧

Суратларда: Ота-бола шифокорлар — Муҳаммад-Мурод ва Умиркул Каримов; шифокор-педиатр Наргиза Каримова иш устида.

■ **Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат**

ХДП ХАБАРИ

«РОҲАТ»ДАГИ ДИЙДОРЛАШУВ

Пиру бадавлат отахон ва онахонлар доимо эъзозда бўлишган. Айниқса, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили, деб эътироф этилиши нур устига аъло нур бўлди.

Халқ демократик партияси Денов туман кенгаши ва туман ижтимоий таъминот бўлими ташаббуси билан «Роҳат» чойхонасида йиғилган 200 дан ортиқ қария яна бир саховатпешаликнинг гувоҳи бўлишди. Нуронийларга дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Бир пиёла чой устида самимий суҳбатлар бўлди.

— Мана шундай тадбирларни мунтазам давом эттирамиз, — деди туман ҳокими Абдулҳаким Эшмуратов. — Қариялар бизнинг отаоналаримиз, оқил ва доно маслаҳатчиларимиздир.

Тадбирда табаррук отахонлар Файзулло Маматмуродов, Нуриддин Саидмагамбетов ва Дилмурод Қурбоновларга ногиронлик аравачалари топширилди. Қарияларга совғалар улашилди.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

ГОЛЛАНДИЯ НАШРИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Нидерландия экспорт бўйича федерацияси ахборотномасининг сўнгги нашрида Ўзбекистон Республикаси ҳақида «Голландия компаниялари учун Ўзбекистондаги янги имкониятлар» деб номланган маълумотлар чоп этилди. У Ўзбекистоннинг Бенилюкс мамлакатларидаги элчихонаси ва Амстердамдаги Бош консуллиги томонидан тайёрланди.

Голландия бизнесмен ва ишбилармон доиралари ушбу нашрнинг доимий ўқувчилари ҳисобланади. Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларда мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг турли жабҳаларига чет эл сармояларини жалб этиш ўзбек давлатчилиги иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланган. Унда чет эл сармоясини ётқизиш учун Ўзбекистонда энг қулай сармоявий муҳит яратилгани маълум қилиниши баробарида мамлакатимиз ўзининг улкан бозор салоҳияти билан Голландия компаниялари учун Марказий Осиёдаги ишончли ва истиқболи порлоқ шерик эканлиги қайд этилади.

Нашрда Осиёни Европа билан боғлайдиган, яъни Марказий Осиё орқали ўтадиган тарихий йўлнинг қайта тикланишини кўзда тутадиган лойиҳа ижросида Ўзбекистоннинг ўрни ҳам муносиб баҳосини топган.

Муаллиф Ўзбекистон иқтисодий салоҳияти хусусида атрофлича тўхталар экан, Голландия ишбилармон доиралари эътиборини мамлакатимиз замини олтин, табиий газ, мис, молибден, вольфрам сингари фойдали қазилмаларга бой эканлиги, у дунёда пахта етиштириш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаши, шунингдек, пахтани қайта ишлаш ва енгил саноати ривожланган мамлакат эканлигига қаратади.

■ **Ж.ДЕҲҚОНОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Брюссель.**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ҚАРЗ ВА ҚАРЗДОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

— 1999 йил январида акциядорлик жамиятига (1994 йилдан буён завод акциядорлик жамиятидир) раҳбар бўлиб келган бўлсам, асосий вақтим фақат амалий кўмак сўраб, хат ёзиш, мурожаат қилиш билан ўтди, — дейди корхона директори Бахтиёр Ботиров. — Яқин-яқингача биргина ҳамдўстлик мамлакатлари эмас, балки дунё таниган, ҳатто Хитой, Япониягача кимёвий доривор етказиб берган корхонамиз бугун оёғи тушовланган тулпорнинг ўзгинаси. У бутунлай қарз ва қарздорлик гирдобида. Шундай вақтлар бўлаяптики, хомашё ва сотиш учун маҳсулотимиз бору, маош беришга пул тополмаймиз...

Дарвоқе, завод раҳбарининг куйиб-пишганича бор. У кейинги 2 йил ичида вилоят ҳокимлиги, республика Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзкимёсаноат» раҳбариятига ўнлаб мурожаатнома, талабномалар билан чиқди. Афсуски ҳали-ҳамон жимжитлик. Худди шу ўринда мутасадди ташкилотлар жумладан, «Ўзкимёсаноат» раҳбарларига республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 июндаги №53/37 қарорини яна бир карра эслатмоқчимиз. Қарорда республика қишлоқ хўжалигини кимёвий доривор воситалар билан узлуксиз таъминлаш, кимёвий моддалар сифатини яхшилаш масаласи илгари сурилганди. Минтақада катта қувватга эга ва технологияси асло хорижникидан қолишмайдиган мазкур завод бўлса-ю, биз хориждан кимё воситаси изласак: «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» — деб шунга айтсалар керак-да!

Тан олиш керак, завод истиқлол йилларида анча такомиллаштирилди. Заҳарли моддалар тайёрлайдиган цехлар ўрнида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар барпо этилди. Чунончи, йодланган ош тузи ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Цехда ҳозир ойига 350 тонна халқаро стандарт сертификатига эга қадоқланган олий навли ош тузи ишлаб чиқарилмоқда.

Лекин корхона омборларида 5 миллиард сўмлик «ўлик» маҳсулот қандай қилиб тўпланиб қолди? Масалан, шоли етиштиришда ишлатиладиган кимёвий гербицид препаратини оладиган бўлсак — бу роппа-роса 3 миллиард сўмлик мол заводда 2 йилдирки, харидор кутиб ётди. Аслида у қорақалпоғистонлик ва хоразмлик шоликорлар учун тайёрланган эди. Сурункали қурғоқчилик сабабли ҳар икки минтақада белгиланган гектарларга шоли экилмади. Қарабсизки, дори омборда қолиб кетаверди. Худди шундай «Буғдойзор» препаратига ҳам 300 тонна буюртма белгиланганди. 1,5 миллиард сўмлик бу турдаги кимё моддаси ҳам турли баҳоналар билан заводда қолиб кетди. 1997 йил ҳосили учун ишлатилиши кўзда тутилган уруғлик чигит дориси 10 тонна «Бронатак» ҳам «отангга бор, онангга бор» қабилида завод омборида ётибди. Пировардида, ҳозир заводнинг кредитор қарзи 2 миллиард, дебитор қарзи эса 5 миллиард сўмдан ошиб кетди. Мана, сизга бутун бошли гигант корхонанинг бугунги аҳволи!

Хўш, даромади буромадига етмаётган завод эндиликда ёпилиши, минг нафар ишчига жавоб берилиши керакми? «Ўзкимёсаноат»дагилар эса ҳали-ҳануз четдан «Раксол»га ўхшаш кимёвий дори олиб келиш билан овора. Ахир шу ва шунга ўхшаш кимёвий восита турлари ўзимизда борку! Улар ҳам хориждаги каби полиэтилен ва пластмасса идишларда 100 граммликдан тортиб, 20 литрликкача бўлган идишларда замонавий усулда қадоқланаяпти-ку!

Худди шу ўринда яна бир аччиқ ҳақиқатни қайд этиш жоиз. Завод чиқараётган кимёвий препаратларни жойлардаги «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси жамоаларига вақтида етказиб бермоғи керак. Шунингдек, препаратни эритиш, ишлатиш технологиясини асосан энтомолог мутахассис кадрлар бажариши шарт. Акс ҳолда Навоийдаги «Электрокимё»заводи маҳсулоти сифатсиз, деган тавқилаънат давом этавериши мумкин.

— Мен деҳқон бозоридан узум шираси — «оидум» касаллигига қарши ишлатиладиган чет элда ишлаб чиқарилган кимёвий дори сотиб олдим, — дейди навоийлик фуқаро Теша Мамедов. — Афсуски, таъсирини билмадим. Токларим мўлжалланган ҳосилни бермади.

— «Электрокимё» заводи препарати билан ғаллазорга ишлов берувдим, кўзлаган ҳосилни олдим, — суҳбатга қўшилди навбаҳорлик фермер Нурали Ҳайдаров. — Демак, кўсак қуртига қарши кимёвий моддани ҳам четдан эмас, ўзимиздан излаган маъқул, эмас-ми?

— Ғаллазор ёки пахтазорга эмас, ҳатто шахсий томорқамиздаги мевали дарахтларга, сабзавот экинларига ҳам ширинча, қурт тушаяпти, — давом этди конимехлик деҳқон Сувон Облоқулов. — Уларга қайси кимёвий дориларни сепишга ҳайронмиз...

Ҳа, йилнинг серёғин, нам келиши турли ҳашоратларни, зараркунандаларни, ширинча, занг каби касалликларни кўпайтириб юборди. Ана шундай мураккаб шароитда республикада ягона Навоий «Электрокимё» заводига амалий кўмак бериш, уни инқироздан чиқиб, иқтисодиёт сари юзланишига кўмаклашиш — «Ўзкимёсаноат» мутасаддиларининг бурчи эмасми?

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БИР ОИЛА

Зуҳур Ҳусанхўжаев Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Тошкент ирригация институтида 50 йил ўқитувчилик қилган, сув иншоотларини барпо этиш масалаларига бағишланган бир неча китоблар муаллифи, доцент. Унвону иш жойига қарасанг, анча ширин, тўкис ҳаёт кечираётганга ўхшайди. Қалбига қулоқ солсанг, бошидан ўтганлари билан танишсанг, бу инсон шунчалик азоб-уқубатларни кўрганига ишонқирамай қоласан киши, чунки бундай мусибат юкини кўтариш осон эмас. Сталин вафотидан қарийб беш йил ўтгач, юрак ютиб, Давлат хавфсизлик қўмитасига хат ёзди, 1938 йилнинг 23 январь куни Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан қамоққа олинган отаси Ҳусанхўжа Дадахўжаевнинг тақдирини суриштирди. У қуйидаги жавобни олади:

«1. Ички ишлар халқ комиссарлиги, Давлат хавфсизлиги бошқармасининг 1938 йил 19 сентябрдаги Ҳусанхўжа Дадахўжаевни ЎзССР Жиноят кодексининг 66-, 67-моддалари бўйича айблаш борасидаги қарори жиноий иш материалларига биноан исботланмаган. Шу боис айбланувчининг вафоти туфайли бекор қилинган.

2. Ҳусанхўжа Дадахўжаевнинг Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 66-, 67-моддалари асосида айблов борасидаги жиноий иши ЎзССР Процессуал Кодекси 5-моддасининг 2-банди асосида унинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ишлаб чиқаришдан тўхтатилсин.

Маъқуллаймиз: ЎзССР прокуроринг ёрдамчиси Н.Кузнецов, адлия катта маслаҳатчиси Т.К.Дерен».

Шундай қилиб, Ҳусанхўжа Дадахўжаев расман оқланади. Хўш, у зот ким бўлган? Унинг кейинги ҳаёти, оиласининг қисмати қандай кечган?

Унинг отаси Дадахўжа дума аслида Тошкентнинг машҳур кишиларидан бири бўлиб, Тошкент шаҳар Думасининг аъзоси эди. XIX асрнинг охирларидаёқ Тошкентнинг руслар яшайдиган янги шаҳар қисмидаги бозорларни ижарага олиб, у ерда хусусий озиқ-овқат дўконини очган. Дадахўжа думанинг ўғли Ҳусанхўжа ҳам рус тилини билган, серҳаракат, тадбиркор йигит эди. У ижарадаги бозорларни ҳам, озиқ-овқат дўконини ҳам бошқарган.

Ижарага олинган бозорлар ҳамда дўкон Дадахўжа думага катта даромад келтирар, ишнинг кўзини биладиган бой эса бу даромаднинг маълум қисмини шаҳар ободончилигига, маориф ва маданият соҳаларини ривожлантиришга сарфлар эди. Масалан, у Тошкентнинг Чорсу даҳасидан то Самарқанд дарвозасигача бўлган 8-9 километрлик тупроқ йўлга тош тердирганди. Тошларни Чирчиқдан очиқ платформа вагонларда товар станцияга келтириб, буёғига араваларда ташитган. Йўлнинг чап томонида ариқ қаздирган. Ҳатто бу йўлнинг маълум масофасига вақти-вақти билан сув сепиб турадиган одам тайинлаган. Йўлнинг ўнг томонига эса симёғочлар ўрнатиб, газ-чироқ қўйдирган. Сувчиларга, газ-чироқ ёқадиганларга ҳам ўз ҳисобидан маош белгилаган.

Халқимиз бошига битмас-туганмас мусибат келтирган «қизил» инқилобдан кейин бутун собиқ СССРда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кўплаб тадбиркор бойларнинг шу жумладан, Дадахўжабойнинг мол-мулки, уй-жойлари ҳам мусодара қилинди. Шундан кейин у боғ қўрғонида бола-чақалари билан камтарона ҳаёт кечира бошлади.

Дадахўжа думанинг ўғли Ҳусанхўжа рус тилини яхши билгани боис Тошкентдаги «Қизил Шарқ» паровоз-вагон ремонти заводида таржимон-инструктор вазифасида ишлади. Завод раҳбарияти, инженер-техник ходимлар асосан руслардан иборат бўлгани учун улар маҳаллий «қора» ишчилар билан тилмоч орқали гаплашардилар. Ҳусанхўжа ўзаро суҳбатларни, топшириқларни, ишчиларнинг талабларини таржима қилиб беради. У ўлкамиздаги ишбилармонлар, тадбиркорлар даврасидагина эмас, балки Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саъдулла Турсунхўжаев, Лазиз Азиззода каби жамоат арбоблари орасида ҳам таниқли маърифатпарвар зотлардан бири ҳисобланарди.

20-30-йилларда собиқ шўро республикаларида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам йирик давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият намояндалари, тадбиркорлар, хусусий мулк эгаларини таъқиб ва қатағон этиш кучайди. Даврнинг ана шу даҳшатли тўлқини Ҳусанхўжа Дадахўжаевни ҳам четлаб ўтмади...

Ҳусанхўжа Дадахўжаев 1884 йили Тошкентда йирик савдогар, тадбиркор Дадахўжа ота оиласида таваллуд топди. У аввал эски мактабда, 1908 йилдан эътиборан эса «Приходная школа»да таҳсил кўрди. Меҳнат фаолияти — жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялардаги саъй-ҳаракатлари, айниқса, 1917 йил февраль воқеаларидан кейин жонланиб кетди.

Суратда: Ҳусанхўжа Дадахўжаев ва унинг рафиқаси Зулфия ая. 30- йиллар.

1917 йил сентябридан 1918 йил мартига қадар Тошкентдаги Кўнчилар уюшмаси раёсати, 1918 йил мартидан 1920 йил январигача шаҳар ижроия қўмитаси, 1920 йил январидан 1920 йил июлигача шаҳар озиқ-овқат комитети (упродком) ҳайъати, 1920 йил июлидан сентябригача Касаба уюшмаси марказий кенгашининг аъзоси, республика Меҳнат халқ комиссарининг ўринбосари, 1921 йил апрелидан 1921 йил августигача Қўқонда упродкомиссар, 1921 йил августидан 1922 йил апрелигача вилоят озиқ-овқат комиссари, 1923 йил октябридан «Муктрест» директори ўринбосари лавозимларида ишлади.

БУЗҒУНЧИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Польша округ прокурори Мирослав Адамскининг хабар беришича, Познан шаҳрида компьютер бузғунчиси қидирилмоқда.

Гап шундаки, АҚШ мутахассисларининг тасдиқлашларича, НАСА компьютерларининг ҳимоя тизими номаълум шахс томонидан бузилган ва 1 миллион долларлик зарар етказилган.

НАСА компьютерларининг ҳимоя тизими Познан ўрта мактабларидан биридаги компьютер ёрдамида бузилган деган овозаларни Адамски инкор этди.

Хакерни (компьютер бузғунчиси) қидириш давом этмоқда. Reuters ахборот агентлиги тарқатган манбаларда қайд этилишича, бу ишда АҚШ федерал разведка бюроси агентлари ҳам қатнашмоқда.

СТАВРОПОЛДА МОТАМ КУНИ

Табиий офат натижасида қурбон бўлганлар хотирасига кеча Ставрополь ўлкасида мотам куни эълон қилинди. Шу куни ўлканинг барча шаҳар ва туманларида давлат байроқлари эгиб қўйилди. Маданият муассасаларида, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда кўнгилочар тадбирлар бекор қилинди.

Ставрополь ўлкасида юз берган сув тошқинида 50 киши нобуд бўлган, жумладан икки қутқарувчи ҳам.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АВТОМОБИЛИНИ ЎҒИРЛАШДИ

Югославия Президенти Воислав Коштуницанинг хизмат автомобили номаълум шахс томонидан ўғирлаб кетилди.

Гап шундаки, давлат раҳбари кенгаш бошланишидан олдин ўзининг «Audi A6» автомашинасини бино ёнида қолдирган эди. Мажлис тугагач, машинаси ўғирланганидан хабар топди. Полиция қидирув эълон қилди.

МУЗЛАР ҚУРШОВИДА

Немисларнинг «Магдалена Ольдендорф» кемаси Антарктидадан қайтаётиб музлар қуршовида қолганига ҳам мана бугун 18 кун бўляпти. Кема бортида 107 кишидан 71 нафари россияликлардир.

Гап шундаки, «Магдалена Ольдендорф» Антарктидадаги россиялик қутбчиларни Кейптаунгача олиб бориши лозим эди (Қутбчилар Кейптаундан Россияга самолётда учишмоқчи эди). Бироқ бахтга қарши 11 июнь куни кема музлар орасида қолди. Ўшандан бери қуршовда. Кемадаги озиқ-овқат ҳам тугаб қолган эди. Ёрдамга ошиққан Африка кемаси эса уларга етиб боролмади. Негаки, океан музлар билан қопланган. Шунинг учун куни кеча икки вертолёт Африка кемасидан озиқ-овқат юкларини олиб «Магдалена Ольдендорф»даги «асир»ларга етказди. Ортга эса ҳар бир вертолёт 9-11 нафардан одам олиб қайтади. Шундай қилиб «тутқиндаги асир»ларни қутқариш 3-4 кун давом этиши мумкин. Кемани музлар қуршовидан чиқариб олиш эса хануз мушкул бўлиб турибди.

КЕЙИНГИ ҲАФТАДАН ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Европадаги кичик Ватикан давлатида кейинги ҳафтадан эътиборан хоналарда чекиш қатъиян тақиқланади. Бу ҳақдаги қонунни Рим папаси Иоанн Павел II маъқуллади ва халққа эълон қилди. Энди 1 июлдан уйда, иш жойида, умуман хонада чекиб, қоидани бузган одам 30 доллар жарима тўлайди.



35 МИНГ КИШИ ЎЗ ЖОЙИДАН КЎЧИРИЛДИ

АҚШнинг Аризона штатидаги ўрмонларда кучли ёнғин давом этмоқда. Олов ҳатто Шоу Лоу шаҳарчасига ҳам хавф солгани боис бу ердан яна 8 минг киши кўчирилди.

Ўтган ҳафтада 150 минг гектар ўрмон, 390 та бино ёниб кулга айланди. Жами 35 минг киши хавфсиз жойга кўчирилди.

— Ҳозир 2300 нафар ўт ўчирувчи ёнғинга қарши курашмоқда. Олов йўли кесиб қўйилди, сайёҳлар шаҳарчаси бўлмиш Шоу Лоу энди олов хавфидан йироқда, — деди Америка ўрмон хўжалиги вакили Дорман Макган.

УЙ ҚУЛАБ ТУШДИ

Ғарбий Украинанинг Черновци шаҳридаги 3 қаватли уй кутилмаганда қулаб тушди. Қутқарувчилар бузилган уй уюмлари остидан бир бола ва ёши улуғ аёлни чиқариб олдилар. Улар шифохонага ётқизилди.

Бу уй XIX аср бошларида қурилган бўлиб, жуда эскилиги учун унда 10 киши яшарди, холос. Уларнинг фикрича, уйнинг биринчи қаватида жойлашган «Гастроном»да олиб борилаётган таъмирлов уй қулашига сабаб бўлган.

ҚИСМАТИ

Шундан сўнг, то 1936 йилгача Тошкентдаги «Қизил Шарқ» заводида таржимон-инструктор вазифасида хизмат қилди. Абдулла Қодирий, Муҳиддин Турсунхўжаев, Салимхон Тиллахонов, Исмоил Обидов каби бир қанча таниқли зиёлилар билан дўстона муносабатда бўлди. Унинг хонадонида адабиёт, санъат мавзуларида мароқли суҳбатлар ўтказилар, Бедил, Навоий, Чўлпон асарлари ўқилар ва ҳофизлар ижросида мумтоз қўшиқлар тингланарди.

Хусанхўжа ота шу йиллар орасида рафиқаси Зулфия ая билан биргаликда бир қанча ўғил-қизларини тарбиялаб, вояга етказди. Ўша йилларда дунёга келган фарзандларидан Мухторхон — муаллим, Зуҳурхон — инженер-ирригатор, Имомхон — Тошкентдаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтида директор ўринбосари вазифасида ишлади, кенжа ўғли Саидаҳмад эса шаҳардаги рассомлик мактабида таҳсил кўриб, вақтли матбуотда мақола ва расмлари билан қатнашиб турди.

У 1937 йилнинг бошларида саломатлиги ёмонлашгани туфайли ишдан бўшайди.

30-йилларнинг ўрталарига келиб, қатоғон тўлқини авж олди. «Қонхўр доҳий» ҳайбаракаллачилари Абдулла Қодирий, Ғулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий каби миллатпарвар зиёлиларга нафақат маслакдош, ҳатто маҳалладош бўлгани сабабли Хусанхўжа Дадахўжаевга ўхшаган тадбиркорларга ҳам жиноят тамғасини боса бошлади. Ва у 1938 йилнинг 23 январь куни қамоққа олинди (маслакдоши Абдулла Қодирий 1937 йилнинг 31 декабрида — Янги йил оқшомида ҳибсга олинганди). Унга: Шўро ҳокимиятининг душмани, ашаддий миллатчилик ташкилоти аъзоси, эсерлар фирқасининг собиқ аъзоси, деган айб қўйишди. Бу айбларни бўйнига қўйиш учун мисли кўрилмаган азоб-уқубатларга гирифтор қилишди, охир-оқибат эски касали хуруж қилиб, аҳволи оғирлашди. Шунга қарамай, Хусанхўжа ўзига қўйилган айбларнинг барчаси асоссиз эканлигини қатъиян рад этди. 100 кундан ортиқроқ вақт мобайнида кеча-кундуз тинимсиз олиб борилган терговлар, жисмоний қийноқлар унинг иродасини синдира олмади. Бу жиҳатдан унинг 1938 йил 27 май куни НКВД терговчиси томонидан қилинган сўроқ пайтидаги берган жавоблари характерлидир:

«Савол: — Сиз қандай аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлгансиз? Миллатчилик ташкилотининг топшириқларига биноан шўро ҳукумати билан большевиклар партиясига қарши қай йўсинда кураш олиб боргансиз? Шу хусусда кўрсатма беринг!

Жавоб: — Мен ҳеч қандай аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлмаганман, Шўро ҳукуматига қарши ҳеч қандай кураш олиб бормаганман...

Савол: — Сиз ёлғон гапиряпсиз! Терговга шу нарса маълумки, сиз «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқлол», «Турк адам марказияти», «Иттиҳод ва тараққий» каби аксилинқилобий миллатчилик ташкилотларига аъзо бўлгансиз. Шунинг учун ҳам терговда рост кўргазма беришингиз талаб қилинади.

Жавоб: — Яна қайтариб айтаманки, мен бундай аксилинқилобий ташкилотларга аъзо бўлмаганман ва шундай партиялар борлигини ҳам билмайман.

Савол: — Бизга маълумки, қамоққа олингунингизга қадар сиз муттасил равишда аксилинқилобий тарғибот ва ташвиқот билан машғул бўлгансиз. Шуни тан оласизми?

Жавоб: — Мен бу айбни шунинг учун ҳам тан олмайманки, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда аксилинқилобий тарғибот олиб бормаганман.

Савол: — Терговга яна шу нарса маълумки, сиз террорчилик гуруҳининг ҳам аъзоси бўлгансиз. Шу ҳақда кўргазма беринг!

Жавоб: — Мен ҳеч қачон ва ҳеч қаерда террорчилик гуруҳининг аъзоси бўлмаганман».

Тергов жараёнлари давом этди, қийноқ-азоблар баттар авж олди. Азоб-уқубатлардан тинкаси қуриб, ҳолдан тойди касали кучайди. Энди у терговхонага юриб боришга ҳам яраймай қолди.

Хусанхўжани тиббий кўрикдан ўтказган қамоқхона врачлари мана бундай маълумотнома беришга мажбур бўлдилар:

«Маҳбус Хусан Дадахўжаевнинг соғлиги тўғрисида.

Маҳбус терговга боролмайдиган аҳволда. У касалхонада даволанишга муҳтож.

Даволовчи врач: (имзо).

1938 й. 13 август»

Тиббий кўрикдан кейин орадан ўн кун ўтгач, 24 август куни тунги соат 2 да Хусанхўжа Дадахўжаев вафот этди. 1938 йил 24 август куни тузилган тиббий хулосада бу ҳақда шундай дейилган:

«Биз, қуйида имзо чекувчилар — касалхона қабулхонасининг навбатчи ҳамшираси Арестова, ТИТУнинг масъул навбатчиси Пугачёв, санитар Артёмова мазкур актни шу ҳақда туздикки, касалхонада ётиб даволанаётган маҳбус Хусанхўжа Дадахўжаев (шахсий делоси 1/1102) 23 августдан бошлаб стационарда даволанаётган чоғида бугун соат 2 да онтроконний — зотилжам (ўпканинг икки томонлама шамоллаши) касаллигидан вафот этди. Марҳум 1884 йили Тошкентда туғилган.

Бош врач (имзо),

Навбатчи ҳамшира (имзо),

ТИТУнинг масъул навбатчиси (имзо),

УГБ 3-бўлимининг санитари (имзо)

1938 й. 25 август».

■ Шерали ТУРДИЕВ

✧✧✧

(Давоми бор).

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ 2002 ЙИЛ 28 ИЮНДАГИ 115-СОНЛИ БУЙРУҒИГА КЎРА 2002 ЙИЛНИНГ 16 ИЮЛИДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ПОЧТА АЛОҚАСИ АЙРИМ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ УЧУН ЯНГИ ТАЪРИФЛАРНИ БЕЛГИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ТАРИФИ

Жўнатмалар ва хизматлар тури	Жўнатиладиган оғирлиги тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган 500 гр. бўлган ҳар бир посилкаларни					
	ер усти транспорти		ҳаво транспорти		аралаш усулда	
	корхоналар	аҳоли	корхоналар	аҳоли	корхоналар	аҳоли
ПОСИЛКА ЖЎНАТИШ						
жўнатиш масофаси, км.						
600 гача	300	160	460	215	375	180
600 юқори	460	215	675	350	565	270

Пул жўнатмалари: 2000 йил 1 август ҳолатига кўра ўзгаришсиз.

ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАР УЧУН ТАРИФЛАР
МДҲ давлатлари.
«М» махсус қоплари.
Ҳар бир қоп учун ёки тўла бўлмаган қопнинг ҳар бир килограммига ҳақ олинади.
Ер усти транспортида — 830 сўм, ҳаво транспортида — 1670 сўм.
Буюртма учун ҳақ ҳар бир қопнинг вазнига кўра — 170 сўм.

Оғирлик ўлчамлари, кг.	*Озарбайжон*		*Арманистон*		*Белорусь*	
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	9560	9900	9860	10290	6460	12320
15 дан 20 килограммгача	59150	65950	51470	60070	41230	158430
Оғирлик ўлчамлари, кг.	*Грузия*		*Қозоғистон*		*Қирғизистон*	
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	11340	12750	5840	7090	6950	7320
15 дан 20 килограммгача	70050	98250	34910	59910	40010	47410
Оғирлик ўлчамлари, кг.	*Молдова*		*Россия*		*Тожикистон*	
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	9720	10960	9740	12120	6940	7370
15 дан 20 килограммгача	62350	87150	38050	85650	49690	58290
Оғирлик ўлчамлари, кг.	*Туркманистон*		*Украина*			
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти		
1 килограммгача	7270	8300	9340	10940		
15 дан 20 килограммгача	33110	53710	46010	78010		

Сақлаш учун тўланадиган ҳақ — ҳар бир тўла ёки тўла бўлмаган 1 СПЗ учун эълон қилинган баҳода СПЗ курси бўйича 5 %.
Пул ўтказиш: 2000 йил 1 август ҳолатига кўра ўзгаришсиз.

Узоқ хориж.
«М» махсус қоплари.
Ҳар бир қоп учун ёки тўла бўлмаган қопнинг ҳар бир килограммига ҳақ олинади.
Ер усти транспортида — 1370 сўм, ҳаво транспортида — 3300 сўм.
Буюртма учун ҳақ ҳар бир қопнинг вазнига кўра — 410 сўм.

Оғирлик ўлчамлари, кг	*ЕВРОПА*					
	Буюк Британия		Бельгия		Германия	
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	11380	12750	14120	17310	11160	12930
15 дан 20 килограммгача	73510	100910	54780	99070	47070	82470
Оғирлик ўлчамлари, кг	*ЕВРОПА*					
	Греция		Италия		Швеция	
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	8990	10030	8140	9410	12010	13470
15 дан 20 килограммгача	58770	79570	48420	73820	53050	82250
Оғирлик ўлчамлари, кг	*ОСИЁ*					
	Исроил		Покистон		Жанубий Корея	
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	8900	9410	6950	8940	7590	8560
15 дан 20 килограммгача	56970	67170	51030	90830	57750	77150
Оғирлик ўлчамлари, кг	*ОСИЁ*					
	Япония		БАА		Эрон	
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	9500	11520	6730	8160	9050	11730
15 дан 20 килограммгача	63460	103860	46630	75230	43440	97040
	АФРИКА					
	ЖАР		Нигерия		Тунис	
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	9000	13300	8930	12630	6700	7630
15 дан 20 килограммгача	65050	151050	64030	138030	71300	89900
	АМЕРИКА					
	АҚШ		Канада		Бразилия	
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	6950	11150	7910	13330	7850	14310
15 дан 20 килограммгача	66800	151902	69090	160770	62570	191770
	АВСТРАЛИЯ					
	Австралия		Янги Зеландия		Гуам	
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	7520	12530	10270	16270	6750	10700
15 дан 20 килограммгача	62430	162630	73350	193350	65840	148621

Сақлаш учун тўланадиган ҳақ — ҳар бир тўла ёки тўла бўлмаган 1 СПЗ учун эълон қилинган баҳода СПЗ курси бўйича 5 %.

ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАР УЧУН ТАРИФЛАР
МДҲ ДАВЛАТЛАРИ.

Жўнатмалар ва хизмат турлари	Транспорт билан жўнатиш учун тўлов миқдори, сўмда.		авиацияда юк ташиш учун йиғим миқдори
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	
Почта карточкалари:			
оддий	30	35	
буюртмали	65	80	
Хатлар:			
оддий:			
20 кг гача	55	70	
1000 кг дан юқори 2000 йилгача	665	1360	
Бандероллар:			
оддий:			
20 кг гача	55	70	13
1000 кг дан юқори 2000 йилгача	665	1360	900
Кичик пакетчалар:			
оғирлиги учун тўлов			
100 гр. гача	70	140	
1000 кг дан юқори 2000 йилгача	610	1215	

УЗОҚ ХОРИЖ

Жўнатмалар ва хизмат турлари	*Транспорт билан жўнатиш учун тўлов миқдори, сўмда.*		*авиацияда юк ташиш учун йиғим миқдори*
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	
Почта карточкалари:			
оддий	60	85	
буюртмали	160	180	
Хатлар:			
оддий:			
20 кг гача	90	115	
1000 кг дан юқори 2000 йилгача	1840	3490	
Бандероллар:			
оддий:			
20 кг гача	90	115	13
1000 кг дан юқори 2000 йилгача	1840	3490	900
Кичик пакетчалар:			
оғирлиги учун тўлов			
100 гр. гача	130	230	
1000 кг дан юқори 2000 йилгача	1400	3190	

Диққат: Почта алоқаси тарифлари ва хизматларининг тўлиқ рўйхати барча бўлимларда ва почта алоқаси корхоналарида мавжуд. Қўшимча хизмат учун тарифлар эса жойлардаги алоқа корхоналари томонидан ўрнатилади.

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

МИШЕЛЬ МОНТЕНЬ – ФРАНЦУЗ ФАЙЛАСУФИ, 1533–1592 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

♦ Мен нимани биламан, ўзи?
♦ Мен ўзимни ўзим ўрганаман...
♦ Дунёдаги барча донолик ва барча фикр-мулоҳазалар, пировард натижада, бизни ўлимдан қўрқмасликка ўргатишдан иборат.
♦ Агар нодонликдан қутулмоқчи бўлсанг, нодон эканлигингга иқрор бўлмоғинг лозим.
♦ Ҳар қандай фалсафанинг ибтидосида ажабланиш ётади, тадқиқот унинг ривожи, билмаслик эса ниҳоясидир.
♦ Мен фанни севаман, аммо, уни илоҳийлаштирмайман.
♦ Табиатда ҳеч нима бефойда эмас, ҳатто, бефойдаликнинг ўзи ҳам.
♦ Одам барча бошқа тирик мавжудотлардан юқори ҳам ва паст ҳам эмас.
♦ Хоқонлар ва этикдўзларнинг жонлари бир хилда бичилган.
♦ Дунё — доимий тебранишдан ўзга нарса эмас... Барқарорликнинг ўзи ҳам анча секинлашган тебранишдан ўзга нарса эмас.
♦ Биз отни эгар-жабдуқи учун эмас, балки, кучи ва чопқирлиги учун мақтаймиз. Нега, шунинг каби, биз одамга унга хос нарсалар юзасидан баҳо бермаймиз? У дабдабали ҳаёт кечиради. Унда ажойиб кошона бор, у фалондақа обрўга, фалон қадар даромадга эга: аммо, бунинг барчаси — унинг ўзида эмас, балки, унинг ихтиёрида. Сиз ҳеч нимани кўрмасдан сотиб олмайсиз. Ўзингизга от харид қилаётиб, сиз ундан жанговар аслаҳаларни ечиб оласиз ва уни табиий кўринишида кўздан кечирасиз. Нима учун одамни баҳолаётиб, сиз ҳамма ниқобларга ўралган киши тўғрисида фикр юритасиз?
♦ Давлат тузумини лиқиллатиб, уни заифлаштирувчилар, у емирилаётганда, кўпинча, биринчи бўлиб, ҳалок бўладилар. Нотинчликларнинг мевалари ҳеч қачон уларни келтириб чиқарганларга насиб этмайди; улар фақат қўзғайдилар ва сувни лойқалатадилар, балиқни эса бошқалар тутадилар.
♦ Қонунлар адолатли эканликлари туфайли эмас, балки, улар қонунлар эканликлари учунгина умумий ҳурмат-эътиборга сазовордирлар.
♦ Муҳаббат – биздан ўзини олиб қочаётган нарсага эҳтиросли майлдир.
♦ Тўхтовсиз яхши кайфият доноликнинг энг яхши исботидир.
♦ Мен инсонни (ва айни ғўзаллик кўпроқ ато этилган жинсни) фикран мутлақо ялангоч тасаввур этганимда, унинг нуқсонлари ва камчиликларини, табиий нотакомилликларини тасаввур қилганимда, бизда, ҳар қандай бошқа ҳайвонга қараганда, танамизни ёпиб юришга кўпроқ асос борлигига дуч келаман.
♦ Ақлли одам, агар ўзини сақлаган бўлса, ҳеч нима йўқотмаган.
♦ Дунёда энг буюк нарса — ўзига тааллуқли бўла олиш.
♦ Ўлимни олдиндан сезиб, бундан роҳатланмоқ — озодликни олдиндан сезиб, ундан роҳатланмоқдир. Ким ўлишга ўрганган бўлса, у қулларча хизмат қилишни унутган.
♦ Одамлар ҳеч нимага, энг кам билган нарсаларига ишонганчалик, қаттиқ ионмайдилар.
♦ Нимаики демасинлар, ҳаттоки, эзгу ишнинг ҳам пировард мақсади — роҳатланиш.
♦ Ўзича, ҳаёт — на эзгулик, на ёвузлик: ҳаёт, уни нимага айлантиришларига қараб, ҳам эзгуликнинг ва ҳам ёвузликнинг омборидир.
♦ Агар муҳтожликда яшаш ёмон бўлса, унда муҳтожликда яшашга ҳеч қандай зарурат йўқ.
♦ Қўрқоқлик — бераҳмликнинг онаси.
♦ Тақдир муваффақияти унинг мутлақ ўзига боғлиқ ташаббусларгагина хайрихоҳдир.
♦ Гўзаллик, у ўринли бўлмаганида, гўзаллигини йўқотади.
♦ Одам кимни тасвирлашга қўл урмасин, у ҳамиша, шу билан бирга, ўзини ҳам намойиш этади.
♦ Ўзини ўзи табиий моҳиятида муносиб намоён эта олиш комиллик белгиси ва деярли илоҳий сифатдир. Биз ўз моҳиятимизни англашни хоҳламай, нима биландир ўзгача бўлишга интиламиз, ва нимага чинакамига қобилиятли эканлигимизни билмасдан, ўзимизнинг табиий чегараларимиздан чиқамиз. Бизга ёғочоёқларда туришга ҳожат йўқ, негаки, ёғочоёқларда ҳам ўз оёқларининг ёрдамида ҳаракат қилмоқ керак. Ва, ҳатто, Ер юзидаги тахтлардан энг юқоридагисида ҳам биз ўз орқамиз билан ўтирамиз.
♦ Ҳеч ким ўзининг барча пулларини бошқаларга улашмайди, ўзининг вақти ва ҳаётини эса ҳар ким улашади; биз унда шунчалик исрофгар бўлган ва бундаги хасисликдан фойдалироқ ҳамда таҳсинлироқ ҳеч нима йўқ.
♦ Минглаб йўллар мақсаддан чалғиштирадилар ва ягона биттасигина унга элтади.
♦ ...Хоҳлаганларига эриша олмай, ўзлари эришганларни хоҳлагандай қилиб кўрсатдилар.
♦ Олдиндан белгиланган мақсадга эга бўлмаган кўнгил ўзини ҳалокатга маҳкум қилади, негаки, айтганларидай, кимки ҳамма жойда экан, демак, у ҳеч қаерда йўқ.
♦ Билимга интилишдан табиийроқ интилиш йўқ.
♦ Агар ўзганинг илми билан олим бўлиш мумкин бўлса, биз ўз донолигимиз билангина донишманд бўлишимиз мумкин.
♦ Нарсаларни билишимиздан на ҳожат, модомики, биз бундан осойишталик ва ҳаловатимизни йўқотар эканмиз.
♦ Биз яратган энг яхши нарса — ақлга мувофиқ яшаш.
♦ Шундай ҳам бўладики, мен ўзим билан зиддиятга киришаман, аммо, ҳеч қачон ҳақиқат билан зиддиятга киришмайман.
♦ Агар менга яна бир марта яшаш насиб этганида, қандай яшаган бўлсам, шундай яшаган бўлардим; мен ўтмишдан афсусланмайман ва келажакдан ваҳимага тушмайман.
♦ Умрнинг ўлчови унинг узунлигида эмас, балки, сизнинг ундан қандай фойдаланганингизда.
♦ Мен, умрим давомида, билимга ҳаддан ташқари ташналиклари уларни мутлақо эси паст қилиб қўйган, кўпларни кўрганман.
♦ Ақлни бошқаларнинг ақли билан чархлаш ва сайқаллаштириш жуда фойдали.
♦ Ҳужум билан шаҳарни олиш, элчилар юбориш, халқ устидан ҳукмронлик қилиш — буларнинг ҳаммаси ажойиб ишлар. Кулиш, севиш ва ўз оиланг билан мулойим муомала қилиш, булар — қандайдир танқисроқ, мураккаброқ ҳамда атрофдагилар учун кам сезиларлироқдир.
♦ Қариялар ўлим ҳақида ўйламасинлар: яхшиси, томорқадаги жўякларни дурустроқ юмшатиш ҳақида жон қуйдирсинлар.
♦ Бизнинг сўзамоллигимизга кўпроқ тезкорлик ва қўққисданлилик хос бўлиб кўринса-да, ақлимизга — пухталик ва сусткашлик хосдир.
♦ Калламда кўп фикрлар бор, аммо, чиройли сўзлаш қобилиятим йўқлигидан, уларни ифода этолмайман, деб ишонтирмоқчи бўладиганлар — ўзларини тушунишни ўрганмаганлардирлар.
♦ Очиқча сўзлаш, май ва севги-муҳаббат каби, шундайин очиқликка чорлайди.
♦ Ҳаётимиз — фикрларимиз қандайлигининг чинакам кўзгусидир.
♦ Ниманики ўйлаётган бўлсанг, доим уни гапириш ҳеч ҳам талаб қилинмайди, бу — бемаънилик бўлур эди, аммо, ниманики гапирсанг, буларнинг барчаси сенинг фикрларингга мос бўлмоғи лозим, акс ҳолда, бу — ашаддий алдамчилик.
♦ Баҳсдаги қайсарлик ва ҳаддан ташқари қизиқконлилик беақллиликнинг ниҳоятда ишончли белгиси.
♦ Эси йўқ одам билан ҳалол ва самимий баҳс юритишнинг имкони йўқ.
♦ Мен қанчалик журъат этсам, ҳақиқатни шунчалик гапираяпман; ёшим улғайган сари, буни қилишга камроқ журъат этаётирман.
♦ Дўстликда, унинг ўзидан бошқа, ҳеч қандай ният ва мулоҳаза йўқ.
♦ Кимга мен ўзимга тааллуқли барча нарсаларда ўзимга қараганда ҳам кўпроқ ишонишим мумкин бўлса, ўша — ҳақиқий дўст.
♦ Мен ор-номус ва эркинликка ҳурматда ўстирилаётган ёш қалбни тарбия қилишдаги ҳар қандай зўравонликни қоралайман. Шафқатсизлик ва мажбурлашда, қандайдир, қулликдай нарса бор, ва мен, нимани ақл ёрдамида, эҳтиёткорлик ва маҳорат билан қилиш мумкин бўлмаса, унга куч билан эришиб бўлмайди, деган хулосага келаман.
♦ Барча, бизни офатлар ва кўнгилсизликлардан асрашга қодир, воситалар, уларнинг нопок бўлмасликлари шарти билан, фақат жоизгина бўлмай, ҳар қанақа таҳсинга ҳам лойиқдирлар.
♦ Қутулиш мумкин бўлмаган нарсани бошдан кечира билмоқ керак.
♦ Ўзига ҳурматнинг етишмаслигидан, ўзига ортиқча ҳурматдан қанча бўлса, ўшанча нуқсонлар келиб чиқади.
♦ Чинакам обрў-эътибор дарё кабидир: у қанча чуқур бўлса, шунча кам шовқин чиқаради.
♦ Камгаплик ва камтарлик — суҳбат учун жуда фойдали хислатлар.
♦ Нафратомуз сукутдан таҳқирловчироқ жавоб йўқ.
♦ Душмандан ҳам сабоқ олиш мумкин.
♦ Кўркув гоҳ оёқларга қанот беради, гоҳ уларни ерга кишанлаб қўяди.
♦ Ким қийналишдан қўрқса, у ҳозирнинг ўзидаёқ қўрқувдан қийналаётир.
♦ Табиб ўз беморини даволашга киришар экан, у буни бемор учун мулойимлик, қувноқлик ва ёқимлилик билан бажармоғи лозим; ва ҳеч қачон бадковоқ табиб ўз касб-корида муваффақият қозона олмайди.
♦ Ҳайвон боқадиганлар, жониворларнинг уларга хизмат қилишларига қараганда, кўпроқ ҳайвонларга хизмат қилишларини тан олишлари лозим.
♦ Агар мен бошқалардан иқтибос келтирсам, бу — ўз фикримни яхшироқ ифода этишим учунгинадир.
♦ Рўпарангизда қайғу ва умидсизлик бор экан, демак, бу ерда фалсафадан ном-нишон ҳам йўқ.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

***Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.**

ФЁЛЛЕР: «БРАЗИЛИЯ КУЧЛИ, БИЗ ЭСА ОМАДЛИМИЗ»

Ўн еттинчи жаҳон чемпионати ўйинлари ҳам якунланмоқда. Бугун учинчи ўрин эгаси маълум бўлади. Эртага эса ҳал қилувчи учрашув. Тўғриси, мезбонлардан бири — Жанубий Корея футболчилари кутилганидан зиёда натижага эришдилар. Ҳатто, улар финални ҳам мўлжалга олишган эди. Корея авиакомпанияси юртдошларини Японияда ўтказиладиган финал учрашувига йўллаш учун 30 та самолётни тайёрлаб қўйган эди. Корейслар бугун учинчи ўрин учун Тэгу шаҳрида Туркия футболчилари билан майдонга тушадилар. Кореялик мухлисларнинг омадлари бор экан. Улар оз эмас, кўп эмас 21 кун мобайнида ўз юртдошларининг чиройли ўйинларидан завқландилар. Шу ўринда бир гапни айтиш жоиз. Маълумотларга қараганда, Жанубий Корея терма жамоасига устозлик қилган Гус Хиддинкнинг шартнома муддати тугабди. Мамлакат ҳукумати Корея жамоасининг шу даражада муваффақиятга эришувини таъминлаган мураббийни 4 миллион АҚШ доллари билан сийлабди.

Жанубий Корея — Туркия учрашувида қайси жамоанинг устун келиши ҳақида турли тахминлар бор. Германия — Бразилия ўртасида бўладиган учрашувда эса XXI асрнинг биринчи жаҳон чемпиони аниқланади. Лотин Америкаси футболчилари жаҳон чемпионатларининг барчасида узлуксиз қатнашаётган жамоа ҳисобланади. Аммо жаҳон чемпионатининг 72 йиллик тарихида бу жамоалар бирон марта ҳам финалда бир-бири билан рўбарў бўлишмаган. Германия жамоаси жаҳон чемпионатида ўн бешинчи марта қатнашмоқда. Бразилия билан Германия олти мартадан финалга чиқишган. Бразилияликлар тўрт марта, Германия жамоаси эса уч марта ғалаба қозонган. Германия терма жамоасининг устози Рудди Фёллер: «Бразилия билан учрашишдан ҳурсандман. Аммо, жаҳон чемпионати финалида фақат кучли жамоалар ғолиб бўлавермаган. Шунинг учун биз ФИФА кубогини Германияга олиб кетиш ниятидамиз. Бразилия кучли, биз эса омадлимиз», деган фикрни билдирмоқда. Тўрт карра жаҳон чемпионлари ҳам бўш келмаслиги аниқ. Бу жамоа таркибида Роналдо, Ривалдо, Роналдиньо каби футболчилар борки, уларнинг ҳар бири ҳар дақиқада учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин. Демак, эртага якунловчи учрашув, янги чемпионни табриклайдиган кун.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**

ФУТБОЛ

11 АВГУСТДА — ФИНАЛ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги ярим финалининг жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Насаф» — 3:0 (биринчи ўйин — 5:1), «Нефтчи» — «Қизилқум» — 2:1(1:1).

Энди икки учрашув натижасига кўра, «Пахтакор» ҳамда «Нефтчи» жамоалари яна финалда ўзаро баҳслашади. Бу ўйин 11 август куни Тошкентда бўлади.

КАМОНДАН ОТИШ

ЭЛДОР — КУБОК СОҲИБИ

Спортнинг камондан отиш тури бўйича Толдиқўрғон шаҳрида Қозоғистон кубоги мусобақалари якунланди. Бу нуфузли баҳсларда мезбонлар билан бир қаторда мамлакатимиз камончилари ҳам иштирок этишди.

30, 50, 70, 90 метр масофалардаги нишонларни мўлжалга олиш мусобақаларида умумий кўрсаткич бўйича тошкентлик Элдор Сайфулин бош соврин эгаси бўлди. Шунингдек, финал босқичида ҳам ўз маҳоратини намойиш эта олган вакилимиз энг юқори кўрсаткични қўлга киритди.

Айни пайтда республикамиз ёйандозлари 8-10 июль кунлари пойтахтимизда ўтадиган Ўзбекистон кубоги баҳсларига ҳозирлик кўришмоқда. Бу мусобақада Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари спортчиларининг ҳам қатнашишлари кутиляпти.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 471

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 79-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгги чипта серияси ининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
50
42
31
77
64
20
39
60
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
50035955.1
70037241.2

2 ТУР
4
2
9
32
62
70
82
81
65
3
8
15
83
34
87
54
48
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
40039996.2

3 ТУР
43
49
72
41
90
21
12
16
26
6
67
13
57
52
10
78
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
60046915.2

4 ТУР
58
76
19
23
36
55
71
33
53
68
69
30
14
7
74
5
45
40
61
35
63
27
Сони: 2
Сумма: 5500000
Чипталар рақами
20069952.1
70041358.1

5 ТУР
66
46
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
30041107.1
90060956.1

6 ТУР
11
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
20002264.1

7 ТУР
29
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
10053141.1
80062484.3

8 ТУР
51
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
20001847.2
90011975.1

9 ТУР
79
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
10071198.2
40003282.2
40013772.3

10 ТУР
17
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
20037541.3
50051573.2
60037622.2

11 ТУР
59
Сони: 4
Сумма: 1500

12 ТУР
75
Сони: 6
Сумма: 1400

13 ТУР
18
Сони: 5
Сумма: 1300

14 ТУР
85
Сони: 13
Сумма: 1200

15 ТУР
80
Сони: 12
Сумма: 1100

16 ТУР
88
Сони: 21
Сумма: 1000

17 ТУР
25
Сони: 44
Сумма: 900

18 ТУР
73
Сони: 46
Сумма: 800

19 ТУР
44
Сони: 79
Сумма: 700

20 ТУР
86
Сони: 168
Сумма: 600

21 ТУР
56
Сони: 177
Сумма: 500

22 ТУР
24
Сони: 399
Сумма: 400

23 ТУР
1
Сони: 533
Сумма: 300

24 ТУР
89
Сони: 810
Сумма: 300

Қўшимча тур
Сони: 27
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
22, 28, 37, 38, 47, 84

ДИҚҚАТ ЯНГИЛИК!

Имконият бир марта берилади, бу ҳам бўлса фақат «Яхши ният» лотереясида 2002 йил 4 июлдаги 80-тантанали тиражда 1-турдан 10-тургача ўзингиз ва фарзандларингиз учун 2 хонали уйлар Тошкент шаҳрида ҳужжатлаштириш имкони билан ўйналади.

Ўйнанг!!! Омадингизни қўлдан бой берманг!

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти «Лаура» ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8-уй. Мўлжал: «Украинка» дўкони. Тел.: 8(3712)56-25-54, 56-26-60.

«ЯХШИ НИЯТ» телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчиларидан олиш мумкин. «ЯХШИ НИЯТ» телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.00 да ЎзТВнинг I-канали орқали намойиш этилади.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда «Лаура» ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Савдолар 2002 йил 30 июль, 8 август кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.

Савдоларга қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси 6 «А» уйда жойлашган «Турон тиббий сервис» давлат унитар корхонасининг 2 қаватли савдо-намойиш марказининг каркас биноси.

Умумий майдон 1403,0 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Ички: 153. Факс: 136-06-17. www. uzrkmb. com

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 27-ўрта мактаб томонидан 2001 йил 25 июнда Мамасалиев Джахандор Адилжанович номига берилган №0097652 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2002 йил 29 июль ва 2 август кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади.

1. Зарафшон шаҳар «Анвар и КО» хусусий фирмасига қарашли автомобилларни таъмирлаш устахона биноси. **Бошланғич баҳоси — 19 982 000 сўм.**

2. АТ «Пахтабанк» Кармана бўлимига қарашли 1995 йилда ишлаб чиқарилган ВАЗ-2106 русумли, давлат рақами 35-85 НВА автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 521 000 сўм.**

2002 йил 29 июль ва 2 август кунлари Навоий шаҳрида соат 16.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган танлов савдосига қуйидаги мулк қўйилади.

Навоий вилоят «Зооветтаъминот» МЧЖ Низом жамғармасининг 75 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси — 6 075 000 сўм.**

Танлов савдосидан объектни сотиб олишнинг шартлари:

1. Жамият Низом жамғармасининг 75 фоизини сотиб олувчи харидорнинг маълумоти олий ва ветеринария йўналишида маълумотга эга бўлиши;
2. Харидор ветеринария йўналишида камида 10 йил ишлаган бўлиши;
3. Вилоят чорвачилигида касалликнинг олдини олиш бўйича ишларни ташкиллаштириш;
4. Бир йил давомида вилоят туманларида «Зооветтаъминот» МЧЖнинг махсус дўконларини ташкил этиш;
5. Жамият Низом жамғармасининг 75 фоиз улушини бошқа учинчи шахсга сотишда вилоят давлат мулки бошқармаси билан келишилган ҳолда сотиш;
6. Жамиятнинг фаолият турини ўзгартирмаслик.

Танлов савдосига қатнашиш учун аризалар объектнинг бошланғич қийматидан 10 фоиз миқдоридаги гаров пулини тўлаган жисмоний ва юридик шахслардан савдога 3 кун қолгунга қадар қабул қилинади.

Аризалар билан бирга қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим.

Бизнес-режа, Низом (юридик шахслар учун), корхонанинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат Давлат мулки қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармасига топширилади.

Аризалар савдо ташкилотчисига топширилади.

Аукцион савдосига қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 1 соат қолганда тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси 24-уй. Тел.: 8(43622) 4-15-61, 4-64-31.